

“Kimyo Girls” республика олимпиадасининг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди

// 13.03.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kimyo-girls-respublika-olimpiadasining-ikkinchi-bosqich-bell>



Маълумки, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё технологиялари университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида талаба қизлар учун “Кимё Гирлс” республика олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Кунни кеча олимпиаданинг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди. “Ўзкимёсаноат” АЖ масъуллари ҳам унда иштирок этиб, талабаларга улкан зафарлар ва муваффақиятлар изхор этди.



Илк босқич - тест синовларида муваффақиятли ўтган қизлар лаборатория тажрибалари бўйича беллашдилар. Энг кўп балл йиғган 15 нафар қиз учинчи босқичга йўлланма олади ва ўз лойиҳасини ҳимоя қилади.



